O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 27 декабрь ЧОРШАНБА

№ 103 (11.906)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн беш йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучлар қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида:

1. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил" эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил" эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1,2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) 2007 йилнинг 5 январигача "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил" эсдалик нишонлари ва гувоҳномаларининг бланклари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби М.Атаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2006 йил 26 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 декабрдаги ПФ-3837-сон Фармонига 1-илова

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони тўғрисида НИЗОМ

1. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил" эсдалик нишони билан давлатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучлар қурилишига муҳим ҳисса қўшган шахслар, ўзининг юксак касб маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён қилган ҳарбий хизматчилар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун бўлган жанговар ҳаракатларда иштирок этган ва захирага бўшатилган ёки истеъфога чиқарилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ёки яраланган ва шикастланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари тақдирланадилар.

2. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил" эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони номидан қўшилма командири ва юқори турувчи мансабдор шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

3. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил" эсдалик нишони вазирликлар ҳамда мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари идоралари раҳбарларининг буйруқлари асосида мукофотланганларга топширилади.

4. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил" эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 декабрдаги ПФ-3837-сон Фармонига 2-илова

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони ТАВСИФИ

"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил" эсдалик нишони 0,25 микронгача қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга бўлади.

Эсдалик нишонининг олд томонида балқиб чиқаётган қуёш фонида Ҳумо қуши акс эттирилган. Ҳумо қушининг тагида саккиз қиррали юлдуз жойлашган бўлиб, унинг ўртасида кесишаётган икки қилич билан қалқон (Амир Темурнинг ҳарбий аслаҳалари) тасвирланган. Нишоннинг юқори қисмида доира бўйлаб "O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 15 yil" ёзуви мавжуд. Нишоннинг пастки қисмида тасвирланган лентага Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига асос солинган йил ва юбилей саналарини англатувчи 1992-2007 рақамлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Эсдалик нишони эни 24 миллиметрли мовий-ҳаворанг шойи тасма билан қопланган беш қиррали колодкага ҳалқача ёрдамида туташтирилади. Тасма эни 2 миллиметрли сариқ рангдаги йўл билан ҳошияланган. Тасма ўртасидан эни 7 миллиметрли яшил рангли йўл ўтган.

Тасвирлар ва ёзув қаварикдир.

Эсдалик нишонининг қирралари бўртиқ ҳошияланган.

2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

УЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Вояга етмаганлар билан ишлаш, уларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, ўз навбатида кучли ижтимоий муҳофазалаш ҳамиша давлатимиз эътиборида бўлиб келган. Айниқса, келаётган Ижтимоий ҳимоя йилида бу каби масалалар янада юқори босқичга кўтарилиши шубҳасиз.

Янгийўл тумани ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ташаббуси билан уюштирилган тадбирни ҳам ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг дебочаси дейиш мумкин. Унда тарбияси оғир, носоғлом муҳитда улғаяётган 40 нафар ўсмирлар иштирок этишди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази тумán бўлимлари ҳомийлик қилган тадбирда вояга етмаганлар билан ишлаш, уларга таълим-тарбия беришнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўз борди. Туман ИИБ ходимлари ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактика ишлари хусусида тўхталдилар.

Тадбирда ҳомий ташкилотлар мутасаддилари ўсмирларга турли спорт анжомлари ва зарур ўқув қуроллари тортиқ этдилар.

— Бундай йиғинлар ёшларни тўғри йўлга бошлаш ва бўш вақтларини фойдали юмушларга сарфлашларида асқотади, — дейди туман ҳокимлиги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси масъул котиби Зулхумор Исмоилова. — Ҳамкор ташкилотлар билан бу каби тадбирларни келгусида ҳам мунтазам ташкиллаштириб туришга келишиб олинди.

СУРАТДА: *тадбир қатнашчиларига совғалар топширилмоқда.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

2007 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг манзили аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисида

Жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни камол топтиришга йўналтирилган оммавий болалар спортини кенг ривожлантириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошира бориш, шунингдек болалар спорт комплексларини 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қуриш, реконструкция қилиш ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2007 йилги даромадлари ва харажатларининг прогноз параметрлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан "Даврхитектқурилиш" қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тайёрланган, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш аниқ манзилли дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар:

республика ҳамда ҳудудий ташкилотлар ва корхоналарнинг, шунингдек хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига ихтиёрий равишда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги ташаббуси 4-6-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг "Даврхитектқурилиш" қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига: 2007 йилнинг 20 январигача пудрат ташкилотларининг моддий-техника базаси, иш тажрибаси мавжудлиги ва молиявий барқарорлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилишнинг аниқ манзилли дастурига киритилган объектлар бўйича тендер савдоларини якунлаш;

болалар спорти объектларида қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда намунавий лойиҳаларга, шунингдек тасдиқланган қурилиш меъёрлари ва қоидаларига қатъий амал қилиш;

болалар спорти объектларини ихтиёрий равишда ҳомийлар ҳисобидан ташаббускорлик билан ва назоратсиз қуриш оқибатида белгиланган стандартларга амал қилмаслик ва мазкур объектлардан фойдаланиш меъёрларини бузиш ҳолларига олиб келувчи фактларга йўл қўймасликда шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 2007 йилда ишга тушириладиган болалар спорт комплексларини белгиланган талаб ва стандартларга мувофиқ зарур спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан ўз вақтида жиҳозлашни, шунингдек болалар, айниқса қизлар, ижтимоий мададга муҳтож оилалардан бўлган ўқувчиларни оммавий спортга кенг жалб этиш мақсадида улар учун спорт формалари ва жиҳозларини харид қилишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб варағига ўз вақтида келиб тушишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2007 йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича ажратилган маблағлардан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳудудий бўлимлари мақсадли фойдаланиши ва болалар спорти иншоотлари қурилиши объектларида харажатлар сметасига амал қилишини текширишни таъминласин ва олиб борилган ишлар тўғрисида Жамғарманинг Васийлик кенгашига ахборотнома берсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2006 йил 26 декабрь

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ташаббуси билан мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида «Мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларининг шаклланишида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда ёшларнинг фаоллигини ошириш» мавзусида бир ҳафталик семинар-тренинглар ташкил этилди.

БОШ МАВЗУ — ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ

Қорақалпоғистон Республикаси ва бир қатор вилоятлардан сўнг шундай семинар-тренинглар 18-23 декабрь кунлари бизнинг вилоятимизда ҳам бўлиб ўтди.

Семинар-тренинглар нинг асосий мақсади ва вазифалари мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти билан ёшларни таништириш, сиёсий партияларнинг «Ёшлар қаноти» фаоллигини ошириш, ёшларда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш, энг фаол ёшларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокига кўмаклашиш, кучли фуқаролик жамияти қурилиши юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишдан иборат бўлди.

АДИБ БИЛАН УЧРАШУВ

Зангиота тумани ҳокимлигида ёзувчи Тоҳир Малик билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Марказлашган кутубхоналар тизими ташаббуси билан уюштирилган ушбу кечада туман фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда таниқли адабиётшунос олим Наим Каримов бугунги кундаги адабий жараёнлар ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этди.

Мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёзувчи ижоди билан боғлиқ кўплаб савол-жавоблар бўлди.

Равшан НЕЪМАТОВ.

МЕҲР ИФОДАСИ

Янгийўл шаҳридаги меҳрибонлик уйи биноси анча эскириб қолган эди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан шаҳар ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар кўмагида бино капитал таъмирдан чиқарилди.

Янги жиҳозлар келтирилди. Бунинг учун қарийб 160 миллион сўм маблағ сарфланди.

Отабек РУСТАМОВ.

ДЕПУТАТЛАР СЕССИЯГА ТЎПЛАНИШДИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги X сессияси бўлиб ўтди. Унинг ишида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, молия бўлимларининг бошлиқлари иштирок этишди. Сессияга Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг раиси, депутат Сирожиддин Аъзамов раислик қилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномованинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижроси тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Ашрафхоновнинг «Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг 2005 йилдаги ижроси ҳамда 2007 йилги лойиҳаси тўғрисида», Халқ депутатлари вилоят кенгаши Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари доимий комиссияси раисининг ўринбосари, 57- А.Ортиқов сайлов округидан депутат Авазхон Рашидовнинг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги «Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни такомиллаштириш тўғрисида», Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш доимий комиссияси раисининг ўринбосари, 15-Янгийўл сайлов округидан депутат Зафар Файзуллаевнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 декабрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ижтимоий ривожлантириш масалалари доимий комиссиясининг аъзоси, 20-Бўка сайлов округидан депутат Шоҳида Мадаминованинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» вилоят дастурининг бажарилиши ҳақида»ги маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди.

Сессияда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ҲАСАНБОЙДА ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАСИ

Тошкент туманида яна бир тўкимачилик корхонаси бунёд этилди. Ҳасанбой кўрғонида қад кўтарган бу иншоот «Мурувват-текс» корхонаси тасарруфида фаолият кўрсатади. Якин орада янги корхона 400 нафар чеварни ўз бағрига олади.

— Бугунгача биз жойларда учта тикувчилик цехларига эга эдик, — дейди «Мурувват-текс» муҳандиси Эргаш Расулов. — Уларда 900 нафар чевар кийим-кечаклар тикиш билан шуғулланади.

2007 йилнинг баҳорида яна иккита тикувчилик цехи очилиши кўзда тутилган. Бу билан яна кўпгина ишчи ўринлар юзага келади. Натижада тайёрланаётган маҳсулот турлари кўпайиб, ишлаб чиқариш қуввати ортади.

Акбар АЛИЕВ.

МАКТАБ УЧУН КОМПЬЮТЕРЛАР

Жойларда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»да белгиланган изчил вазифалар ўз ижросини топмоқда.

Мазкур дастурга мувофиқ Қибрай туманидаги 14-умумтаълим муассасаси етакчи кластер ва ахборот-ресурс мактаби сифатида танланган эди. Яқинда ушбу билим масканига 27 та замонавий компьютер тўплами келтириб, ўрнатилди.

Эндиликда улар ёрдамида ўқувчиларнинг ахборот технологиялари борасидаги билимлари кенгроқ шаклланиши баробарида, таълимга оид илмий-методик рисолалар, ўқув қўлланма ва тавсиялар кўп нусхада тайёрланиб, туман халқ таълими бўлими тизимидаги ўқув муассасаларига тарқатиш имконияти юзага келди.

Алишер РАҲМАТОВ.

Вилоят ҳокимлиги ва

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА КИМНИНГ ҲИССАСИ КЎПРОҚ?

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов бошқарди.

Мажлисда мувофиқлаштирувчи кенгаш таркибидаги ишчи гуруҳ аъзолари, бир қатор бошқармалар, савдо-саноат палатаси, фаолияти омилкорлик билан боғлиқ уюшмалар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари ҳамда матбуот вакиллари иштирок этдилар. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, кредит бериш бўйича банклар жорий йилда амалга оширган ишлар ва мўлжалдаги режалар, тадбиркорлик субъектларини хом ашё ва материаллар билан таъминлаш, вилоят инвестицион дастурининг бажарилиши, бу борада шаҳар ва туманларда олиб борилган ишлар муҳокама қилинди.

Кўриб чиқилган йўналишлардаги фаолият самарадорлигини ошириш, мутасадди раҳбарлар масъулиятини кучайтириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди, топшириқлар берилди.

«Президент арчаси» тадбирига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими ўринбосари Наримон Ҳайиткулов бошқарди.

ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИГА ТАРАДДУД ҚИЗҒИН

Вилоят ҳокимлиги гуруҳлар раҳбарлари, котибиятлар мудирлари, бошқармалар бошлиқлари, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар раислари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари вакиллари иштирокида ўтган йиғилишда байрамни мукаммал уюштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Бунинг учун ишчи гуруҳи ва тадбирлар режаси тузилган, жойларда байрамни ўтказиш учун масъуллар бириктирилган. Шунингдек, Президент совғаларини ҳудудларга етказиш тартиби, шодиёналар дастурини ишлаб чиқиш, байрам манзиллари ва унинг иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш каби қатор йўналишлар бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар ижросига оид қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари иштирок этди.

КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ

Кун тартибига ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Мувофиқлаштирувчи кенгаш режасининг 2006 йилдаги ижроси ва 2007 йил режаси лойиҳасининг муҳокамаси масалалари киритилди.

Мажлисда Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2006 йил режасининг ижро натижалари батафсил таҳлил қилинди, 2007 йил учун режа лойиҳаси кўриб чиқилди. 2006 йил режасининг айрим бандлари бажарилмаслиги сабабларига алоҳида эътибор қаратилди, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига Мувофиқлаштирувчи кенгаш топшириқларини тўлиқ бажариш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар кўриб чиқилди, тармоқ ва умумтармоқ хусусиятига эга қатор янги меъёрий ҳужжатлар маъқулланди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига мамлакатимиздаги меъёрларни халқаро талабларга мослаштириш жараёнини жадаллаштириш топширилди.

ЎзА.

Қарор ва ижро

ОТА-ОНАСИ БАҒРИГА ҚАЙТДИ

Миллий қонунчилигимизда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши вояга етмаганлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш учун кенг имконият яратди.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан эндиликда озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаяпти. Зеро, жазо тайинлашдан мақсад, аввало, унинг ахлоқан тузалишини таъминлашдир. Қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш учун зарур ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашдан иборатдир.

Тошкент вилоятининг Зангиота тарбия колониясида билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган ўсмирларнинг тўғри йўлга тушиб кетиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

– Муассасамизда ўсмирларнинг таълим-тарбия олиши ва касб-ҳунар эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди мазкур колония раҳбари Пўлат Каримов. – Жумладан, уларга электрпайвандчи, ҳайдовчи, чилангар каби йўналишлар бўйича касблар ўргатилмоқда. Бундан ташқари, улар спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилган.

Президентимиз Ислом Каримов тақдимномасига мувофиқ Олий Мажлис Сенати томонидан эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорда ўта оғир бўлмаган жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар, жумладан жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни жазодан озод қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Инсонпарварлик тамойилига асосланган мазкур ҳужжатга биноан Зангиота тарбия колониясидан кўплаб ўсмирлар ота-оналари бағрига қайтмоқда. Намангандлик Сардор Эргашев улардан бири.

– Қилаётган ишимнинг оқибатини ўз вақтида англаб етолмаганим учун жиноят кўчасига кириб қолдим, – дейди Сардор. – Колонияда ўтган кунларим, қатнашган дарсларим ва машғулотларимда кирган ушбу йўлимнинг эртаси йўқлигини тушуниб етдим. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан эълон қилинган амнистия менга ўхшаб жиноятга қўл урган ёшларга улар тўғри йўлга тушиши учун берилган катта имкониятдир. Эндиги ниятим ана шу ғамхўрликка муносиб бўлиш – ота-онам бағрига қайтиб, эл-юртимга нафи тегадиган ишлар билан шуғулланиш, тўғри яшаб, ҳалол меҳнат қилиш.

ЎзА.

ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ

Пскентда касаначиликни ривожлантириш вазифалари доирасида уй меҳнати билан шуғулланувчилар учун бу йил юздан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди.

— Яратилган иш ўринлари асосан пахта заводи ҳамда Ўзбекистон-Чехия ҳамкорлигидаги «КЕНАФ» қўшма корхонаси ҳисобига тўғри келади, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гўзал Назирқулова. — Хомашё таъминотининг барқарорлиги буюртмаларнинг ўз вақтида ва сифатли тайёрланишига имкон яратмоқда.

Шунингдек, тумандаги «Фарҳод» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида уйга иш берувчилар билан мавсумий шартномалар имзоланган. Чунки, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг корхона ишлаб чиқараётган керамик зўлдирларига бўлган эҳтиёжи йилнинг июн ва июл ойларида икки-уч бараварга ортади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ҲАМШИРАЛИК ТАЪЛИМИ ЮКСАЛИШДА

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тиббиёт тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш, шифо муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда тиббий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш ва жаҳон андозалари даражасида малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бу борада мамлакатимиз тиббиёт ўқув юртлари хорижий давлатлардаги нуфузли таълим марказлари ва етакчи клиникалар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётир.

Биринчи республика тиббиёт коллежи Японияниг халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан бирга амалга ошираётган ҳамширалик таълимини такомиллаштириш лойиҳаси бунга мисол бўла олади. Қарийб уч йилдан буён ҳаётга татбиқ этилаётган мазкур лойиҳа доирасида ўзаро тажриба алмашишга йўналтирилган кўплаб семинар ва мулоқотлар ташкил этилди. Биринчи республика тиббиёт коллежида ҳамширалик таълимини такомиллаштириш маркази очилди. Коллеж таълим жараёнида қўлланиладиган замонавий тиббий воситалар билан жиҳозланяпти.

Ушбу билим даргоҳида бўлиб ўтган учрашувда ана шу ҳақда гап борди. JICA вакили коллежга беғараз ёрдам тариқасида таълим жараёнида қўлланиладиган навбатдаги тиббий воситалар тўпламини тақдим этди.

ЎзА.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили



ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ

«Олмалиқ конметаллургия комбинати» ОҲЖ Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан шаҳардаги 72 та кўп қаватли биноларни тўлиқ капитал таъмирдан чиқарди. 1 миллиард 750 миллион сўмдан ортиқ маблағ аҳоли тураржойларининг том қисмлари, яроқсиз ҳолга келиб қолган эшиклар ҳамда сув қувурларини таъмирлашга сарфланди.

Мўмин ИБОДОВ.

АФЗАЛЛИГИ ҚУЛАЙЛИГИДА

— Бу ерга келганимга беш кун бўлаяпти, — деди ўзини оққўрғонлик Рустам Аҳмедов деб таништирган йигит. — Дастлабки муолажалардан сўнг белимдаги оғриқлар камая бошлади.

Бўка тумани марказида бир неча йилдан буён фаолият юритаётган «Бўка-Ибн Сино» хусусий шифохонасидаги имкониятлар ҳақида бундай миннатдорчилик сўзларини кўплаб эшитиш мумкин.

Икки қаватли бу ёруғ ва шинам бинонинг ҳамма хоналари замонавий ускуналар ва мебеллар билан жиҳозланган. Даволанаётганлар учун зарур бўлган барча дори-дармонлар етарли. Беморнинг қариндош-уруғлари қоғоз кўтариб, дорихонадан дорихонага сарсон бўлмайдилар, муолажалар кечиктирилмай бажарилади. Натижада бемор тез соғаяди.

— Бир ойда ўртача ўндан ортиқ турли операцияларни ўтказамиз, — деди бош шифокор Машраб Эшназаров. — Беморлар тез соғайиб кетаяптилар.

Айнан шундай афзалликлари бўлганлиги учун ҳам бу шифохонага нажот истаб келувчилар ортиб бормоқда.

Темур ҲАЙДАРОВ.

СУРАТДА: *«Бўка-Ибн Сино» хусусий шифохонаси бош шифокори Машраб Эшназаров ҳамшира билан беморнинг рентген суратини кўздан кечиришмоқда.*

КЎРИК-ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда "Sen Yolg'iz Emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган "Энг яхши Меҳрибонлик уйи" ҳамда "Меҳрибонлик уйининг энг яхши тарбиячиси" кўрик-танловлари ниҳоясига етди.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида ташкил этилган республика кўрик-танлови ота-она меҳридан бебаҳра қолган болалар билан ишловчи таълим муассасаларининг илғор педагогик тажрибасини умумлаштириш, оммалаштириш ва тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этди. "Қалбимни болаларга бағишлайман" мавзуида ўтган мазкур танловлардан кўзланган асосий мақсад Меҳрибонлик уйлари педагоглари мавқеини янада юксалтириш, мазкур муассасаларда тарбияланаётган болаларнинг ҳар томонлама камол топиши учун кўмаклашишдан иборат бўлди.

"Энг яхши Меҳрибонлик уйи" танловида биринчи ўрин пойтахтимиздаги 30-Меҳрибонлик уйига насиб этди. Иккинчи ўрин Кўқон шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйига, учинчи ўрин эса Зарафшон шаҳридаги "Шодлик" номли Меҳрибонлик уйига берилди.

"Меҳрибонлик уйининг энг яхши тарбиячиси" кўрик-танловида Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Орзигул Тошпўлатова биринчи ўринни қўлга киритди. Тошкентдаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Наргиза Ғайбуллаева иккинчи, Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Искандар Абдусаломов учинчи ўринга сазовор бўлди.

ЎзА.

ЙИЛНИНГ СЎНГГИ ХАТЛАРИДАН

Таҳририятга келаётган хатлар мавзуси турлича. Уларда азиз газетхонларимиз ўзларини қизиқтирган мавзулар, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикр-мулоҳазаларини йўллашган.
Хусусан, ёшлар тарбияси, кишилар ўртасидаги ҳуқуқий саводхонлик масалалари, ижтимоий аҳамиятга эга муаммолар битилган хатлар шулар жумласидандир.
Қуйида ана шундай мактублардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

МЕН УЧУН ЎРНАК БЎЛДИ

Дугонам билан чорраҳада пиёдалар учун йўл очилишини кутиб турувдик.

Мен кўпинча, светофорга эмас, йўловчиларга қараб автомобиль йўлини кесиб ўтардим. Аммо ёнгинамизда турган 9-10 ёшлардаги қизалоқ қўлларини чўнтакларига солганча, йўлни шашт билан кесиб ўта бошлади. Светофорда йўловчилар учун яшил чироқ ёниб турарди. Қизалоқ йўлнинг ўртасига етганида юқори тезликда келаётган автомобиль унинг олдига келиб тўхтади. Ҳайдовчи айб кимда эканлигини жуда яхши билишига қарамай, шундай важоҳат билан бақирдики...

Қизча ўзини йўқотмади, аксинча, кўзларида ишонч, қатъият бор эди. У ҳайдовчи олдига дадил юриб борди-да, машинанинг ярим очиқ деразасини тақиллатди ва «Амаки, ўзингиз кўзингизга қаранг. Агар сиз ўзгалар ҳуқуқини ҳурмат қилганингизда, аввало бундай катта тезликда юрмаган бўлардингиз. Қизил чироқда ўтиб кетмоқчи бўлдингиз яна мени ҳақоратладингиз. Ва ниҳоят, машинангизни шунча вақт чорраҳада тўхтатиб туриб, бошқа ҳайдовчиларга ҳалақит бердингиз. Бу йўл бир сизга эмас, бошқаларга ҳам тегишли, қонун фақат ўзгаларга эмас, сизга ҳам тааллуқли» деди. Бу орада чорраҳада анчагина одам тўпланганди. Ён-атрофдан «Тўғри айтяпти, амакиси», «Бу ҳайдовчининг кайфи борми дейман», «Жуда ўткир қиз экан-ку» деган гап-сўзлар эшитилди.

Ҳайдовчи атрофдагилардан ҳайиқдими, ёки қизалоқнинг бурро сўзларидан ўсал бўлдими, ҳар қалай машинасини ўт олдириб, жўнаб қолди. Мени эса...

Шу жажжигина қизалоқ менга ўз ҳақ-ҳуқуқларимни билмаслигимни кўрсатиб қўйди. Наҳотки биз ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни билиб олишимиз, оддий қонун-қоидаларга ҳам риоя этишимиз зарурлигига шунчалар бефарқ бўлсак? Балки ҳаётда кўп қоқилишимизнинг асосий сабаби ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни билмаганимиз, ўзимизни ҳимоя қила олмаслигимиздадир.

Зебо ЯХШИЕВА.

«УЙ БИЛАН ҚЎШИБ БЕРАМАН»

Одамзотнинг табиати қизиқ. Бу йўлдан борма, жабр кўрасан десанг, аксини қилади. Тўй ва маъракаларни ихчамлаштириш ҳақида шунча гаплар бўлаётганига қарамай, айрим жойларда ким ўзарга дабдабабозлик кучайиб бораётгандек, назаримда.

Яқинда бир қариндошим қиз узатди. Тўй кам-кўстсиз ўтди. Қўш-қўш сарполару замонавий мебель тўпламлари — барча-барчаси керагидан ортиқ бўлди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас она қизига ҳайитлик бериш тараддудига тушиб, қарз ҳавола қилди.

Аввало катта рангли телевизор харид қилди. Сўнгра унинг ёнида жўнатиш учун қўша-қўша тоғоралар-у қутиларни жамлаш ҳаракатига тушди. Қизнинг онасига ён-атрофдагилар «Телевизор-ку майли, ёш оилага керак бўлар, бунча тоғора-ю қутилар ортиқча исрофгарчиликку?!» деб танбеҳ берган бўлишди. Аммо у тушунишни истамади.

— Тоғора қилсам, мен қилаяпман, сизларга нима? Ёки бунинг учун сизлардан бирор нарса сўраяпманми? Хоҳласам уйимни ҳам қўшиб бераман, — деб ҳаммадан баланд келди.

Чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ахир бундай бўлмағур урф-одатлардан қачон қутуламиз? Бундай одамлар бир-бирлари билан обрў талашиб, ўзларига жабр қилаётганликларини наҳотки тушунишмаса?

Абдуҳаким ТУРСУНОВ,
Зангиота тумани.

СИЗГА НЕ БЎЛДИ, ЙИГИТЛАР?

Кўча-кўйда баъзи қизларимизнинг беҳаёларча, ярим яланғоч юришларидан кўзни қаёққа олиб қочишни билмай қолсангиз, айрим йигитларнинг бачкана қиёфалари улардан ҳам ўтиб тушяпти.

Яқинда бир ўзбек йигитининг кийган кийимини кўриб ҳайрон бўлдим. Ўзини ўта замонавийман деб ўйлаб, кўчани тўлдириб бораётган бу йигитнинг ташқи қиёфасини кўрган киши уни қиз боладан фарқлай олмайди. Қулоғида зирак, сочи орқага турмаланган, шими эса худди ўқ теккандек, илма-тешик бўлиб кетган.

Афсуски, бундай бачканаликни ҳар қадамда бўлмаса-да, тез-тез учратадиган бўлиб қолдик. Йигитларга нима бўлаяпти ўзи? Нега улар лайлосифатликни хоҳлаб қолишди?

Нима бўлганда ҳам ҳар ким ўз ўрнини билиши, қаерда яшаётгани, кимнинг авлоди эканлигини унутмаслиги лозим.

Рихситилла ҚОДИРОВ,
ҳайдовчи.

МАҒЗИ ТЎҚ НОН ЕНГ

Асли деҳқонмиз, тегирмондан чиқарган буғдой унидан нон ёпиб еймиз. Аммо яқинда бир танишим бундай ундан ёпилган нонда зарур моддалар етишмайди, деди. Шу тўғрими?
Равшан РАҲИМЖОНОВ.

Саволга тегирмон қурилмалари бўйича муҳандис Улуғбек Ибодов жавоб беради:

Юқоридаги саволда жон бор, албатта. Тўғри, қўлбола тегирмонда чиқарилган унларнинг бошқа унлардан деярли фарқи йўқ. Аммо, махсус жиҳозланган замонавий тегирмонлардан чиқадиган ун аввало кислород билан тўйинтирилади. Қолаверса, унга махсус бирикмалар, зарур моддалар қўшилади. Масалан, ун доимо темир моддаси билан бойитилади. Бу эса инсон танасидаги шу моддага бўлган эҳтиёжни қондиради. Бундай моддалар талайгина бўлиб, ҳар бирининг ўз вазифаси бор.

ЧИРЧИҚ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Вилоятимиз аҳолисини, хусусан, тиббиёт жонкуярларини кириб келаётган 2007 йил билан самимий қутлайди. Янги йилда барчамизнинг эзгу ниятларимиз рўёбга чиқсин, юртимиз тинч, дастурхонларимиз тўкин бўлсин.

ҲАММА ГАП МУВОЗАНАТДА

Табиатни муҳофаза қилиш – дарахтзорлар, тоғлар, далалар, қўллар, боғлар, ҳаво, сув, ер ости бойликларини асраш демакдир. Бизни ўраб турган муҳит бир-бири билан чамбарчас боғланган. Табиатдаги ҳар бир ўзгариш ундаги мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Бунга Орол денгизида сувнинг камайиши ёки ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг сийраклашишини, баъзи ерларнинг шўрланишини мисол қилиб келтириш мумкин. Умуман, табиатга охирини ўйламасдан, ҳар қандай аралашиш салбий ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилишга катта эътибор берилаётганлиги ҳам шундан. Бу вазифа асосан экологлар зиммасига юклатилган. Биз бу ишга кенг жамоатчиликни, маҳалла фуқаролар йиғинларини, корхона, ташкилотлар, хўжаликлар ва муассасалар, ишчи-хизматчиларни, қўйингки, барча меҳнаткашларни жалб этишга ҳаракат қиляпмиз. Фақат шу йўл билан табиатни ҳозирги ҳолатида сақлаб қолиш ва уни келгуси авлод учун борлигича етказиб бериш мумкин.

Жамоамиз кенг омма кўмагида ноёб ўсимлик турларини сақлаб қолиш, дайди овчилар, ноқонуний дарахт кесувчилар ҳамда балиқ овловчилар йўлига тўсиқ қўйишда муайян ютуқларни қўлга киритяпти. Йилнинг ўтган 9 ойи натижалари ҳам шундан далолат бериб турибди. Шаҳодат синовидан ўтган 61 нафар давлат нозирларимиз шу йўлда меҳнат қилмоқдалар. Бу давр ичида 68 та корхона ва ташкилотларда табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган қонунларнинг бузилганлиги аниқланди. Бунда айбдор бўлган шахсларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилди. Чунончи, 423 нафар шахсга нисбатан 8,7 миллион сўмлик жарима солинди. Биргина «Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш» қонунини бузган шахсларга нисбатан 50,2 миллион сўмлик товон солинди. Унинг муайян қисми ундириб олинди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди. Уларнинг кўпини бажарилишига эришилди.

Вилоятда экологик вазиятни тартибга солиб туришнинг асосий омилларидан бири барча табиатдан фойдаланувчилар томонидан атроф-муҳитни ифлослантирганлиги ва чиқиндиларни жойлаштиргани учун тўловлардир. 2006 йилнинг 9 ойи давомида вилоятнинг 260 та корхонаси билан 304,221 миллион сўмлик қоплама тўловлар келишиб олинди. Шу даврда 225 та корхонадан бўнак тўловлар ҳисобига 742,2 миллион сўм маҳаллий жамғарма ҳисоб рақамига келиб тушди. Бунга олдинги йиллар учун тўланмаган маблағлар ҳам қўшилди. Бу сармоя жуда кўп мақсадлар учун ишлатилмоқда. Чунончи, биргина давлат бюджетига 379,3 миллион сўм ажратилди, табиатни муҳофаза қилиш республика жамғармасига эса 108,0 миллион сўм ўтказилди. Табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармаси ҳисобидан эса 190,750 миллион сўм маблағ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун ажратилди. Жумладан, вилоят ҳудудидаги биологик фабрикалар ва лабораториялар фаолиятини тиклаш учун 45 миллион сўм сарфланди. Бурчмулло қишлоғидаги зарарланган ҳудуд атрофини ўраб олиш учун 27,4 миллион сўм ўтказилди. Дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш, бузилган ерларнинг рекультивацияси ва мелиорациясига сал кам 5 миллион сўм сарфланди. Ҳасанбой чиқиндихонасида табиатни муҳофаза қилиш юзасидан 80 миллион сўмлик ишлар бажарилди. Қатор туманларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларга ҳам маблағ ажратилмоқда. Янгиобод шаҳридаги радиоактив чиқиндилар тўпланиб қолган участкаларда ҳолатни соғломлаштириш ишларини тугаллаш учун 3,5 миллион сўм сарфланди.

Шу йилнинг 9 ойида 16 та йирик саноат корхоналарида капитал маблағлар ҳисобидан табиатни муҳофаза қилиш бўйича 27 та тадбир амалга оширилиши ва бунинг учун деярли 5 миллиард 300 миллион сўм сарфланиши назарда тутилган эди. Шу даврда эса 13 та корхонада 4,3 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланиб, 24 та йирик тадбир амалга оширилди. Бу атроф-муҳит мусаффолигини яхшилашга ёрдам бермоқда. Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Оҳангарон шифер акциядорлик жамияти, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Бекободцемент» акциядорлик жамияти ва бошқа корхоналарда амалга оширилган ишлар натижаси самарали бўлди. Хусусан, атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрлар даражасида сақланиб қолинишига эрилишди ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бирмунча яхшиланди.

Айни вақтда капитал маблағлар сарфлашдан ташқари вилоят корхоналарида табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қатор ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, электр фильтрлари таъмирланди ва эскилари янгиларига алмаштирилди. Шунингдек, асбобускуналар, сув ўтказгич ва канализация тармоқлари ҳам таъмирланиб, қувурлар алмаштирилди. Бунинг учун 516,4 миллион сўм сарфланди.

Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли вилоят бўйича атмосфера ҳавосига ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори 3,26 минг тоннага, очиқ сув ҳавзаларига ташланаётган ифлос оқавалар 4,2 миллион куб метрга камайди. Биз экологларимиз фаолиятининг айрим соҳалари ҳақида сўз юритдик. Амалда эса унинг тармоғи жуда кенг ва хилма-хилдир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишдек олижаноб ишимизда вилоятимиз табиатини бор ҳолда сақлаб қолиш учун барча имкониятларни ишга соламиз. Бу ишда фаол қатнашиш ҳар бир фуқаронинг ҳам муқаддас бурчи бўлиб қолиши керак.

Қобилжон СОҚИЕВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси.

Сўраган эдингиз

ҲАМ ФОЙДАЛИ, ҲАМ ХАВФЛИ

Ҳурматли «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти!

Карбонат ангидрид газининг фойдали ва зарарли томонлари борлиги, у айниқса, ўсимлик дунёси учун ва айни вақтда, инсон саломатлигига зарурлиги ҳақида эшитганмиз. Бу газнинг хусусиятлари тўғрисида маълумот беришингизни илтимос қиламиз.

Давлат СОЛИЕВ, Чирчиқ шаҳри.

Карбонат ангидрид гази сув ва кислород каби ҳаётий зарур модда. У табиатда кислород ва углерод айланишининг асосий бўғини ҳисобланади. Ўсимлик дунёси шу моддани ютиб, кислород таратади. Лекин айни шу модда ўлим сабабчиси ҳамдир. Айниқса, конларда, ер остида ишловчи шахтёрлар, металлургларга, геологлар бундай воқеаларга кўп дуч келишган.

Олтингугурт ва кварцли моддалар тўпланиб қолган қудуқлар ҳимоя ниқобларисиз ишловчилар ҳаёти учун айниқса хавфли. Одатда карбонат ангидрид гази қудуқлар тубида тўпланиб қолади. Агар кам миқдорда тўпланса, у қадар зарарли бўлмайди, лекин кўпайиб кетса, инсоннинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин.

XVI асрда яшаган голландиялик Ян Бантист Ван Гельмонт оҳакка кислота қўшилганида, «ҳаво» ажралиб чиқишига аҳамият берган. Бундай «ҳаво» пиво ачиганда, ёғоч ёнганда ҳам ажралиб чиқади. Ван Гельмонт бу ҳаво оддий ҳаводан бутунлай фарқ қилишини англаган. Ўша пайтда газни йиғиш ва сақлаш учун идишлар бўлмаганлиги сабабли унинг кузатишлари натижасиз тўхтаб қолди. Лекин бу тажрибалари билан газлар кимёсига асос солди.

Ҳозирги пайтда инсоният жуда кўп миқдорда ёқилғи ишлатмоқда. Шу билан бирга битум эритиш, кузда хазон ёқиш, ўрмонзорлардаги ёнғинлар атмосфера ҳавосида карбонат ангидриднинг ортишига олиб келаётир. Лекин ўсимлик дунёси бу газсиз яшай олмайди. Дов-дарахтлар, ўт-ўланлар бундай газни кундузи ҳаво таркибидагига қараганда 1,5 баробар кўп «қайта ишлаш»га қодир. Япроқ ва илдизлар ҳам карбонат ангидридни ҳазм қилади. Табиатда бундай газ меъёридан ортиб кетганида, ўсимликлар тезроқ ўсиши кузатилган. Иссиқхоналарда уни қўллаш яхши натижа бериши аниқланган.

Р. САФАРОВА,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси махсус таҳлилий назорат нозирлиги мутахассиси.

Сирдарё Бекобод табиатни муҳофаза қилиш минтақаси ҳудудини 60 километр узунликда иккига бўлиб оқади. Унда ҳар хил балиқ турлари билан бирга кўплаб сув жониворлари ҳаёт кечиради. Дарё бўйлари ва ороллари ҳар хил қайрағоч, жийда, туронгил, ёввойи тол каби дарахтлар, ширинмия, қамиш, янтоқ ва бошқа ўсимликлар ўсади.

Sof havo, tiniq suv, toza tuproq uchun!

Tabiat va inson

Toshkent viloyati tabiatni muhofaza qilish qo`mitasi sahifasi

СИРДАРЁНИНГ БОЙЛИГИ ВА БЕБОШЛИГИ

Майдони 83 гектарлик «Бўри ороли»да 450 бошга яқин тустовуқ ҳаёт кечиради. Бу паррандаларнинг яшаши учун шароитлар яратилган, махсус озиқланиш жойлари ўрнатилган. Бир гектар ерга дон экилиб, жойида қолдирилади. Бу оролга тулки, чиябўри каби ёввойи, йиртқич ҳайвонлар ҳам келиб туради. Оролдаги жонзотлар егерлар ёрдамида қўриқланади.

Сирдарёнинг ўнг қирғоғида «Далварзин» овчилик хўжалиги жойлашган. Бу хўжаликда ҳам тустовуқлар, ҳар хил ёввойи ҳайвонлар бор. Уларнинг яшаши учун барча шароитлар яратилган.

Сирдарёда асосан сув йилнинг ноябрь ойларидан бошлаб кўпаяди. Ачинарлиси, бу пайтда дарё қирғоғидаги дарахт ва буталар ювилиб, қўпорилиб кетади. Жумладан, яқин 2-3 йил ичида дарё қирғоғида жойлашган «Ғалаба» фермерлар уюшмасига қарашли «МўюнқумАгро» фермер хўжалигидаги 870 метр узунликда тўрт қатор экилган қайрағоч, туронгил дарахтларини дарё тошқини бутунлай ювиб кетди. Шу уюшманинг «Лочинбек-Камронбек» фермер хўжалигига қарашли 710 метр узунликдаги уч қатор қилиб ўтқазилган тут дарахтлари ҳам шу тақлид нобуд бўлди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Бу табиатга ва қишлоқ хўжалигига катта зарар келтирмоқда.

Сирдарё суви сатҳи бузилишининг яна бир зарарли томони бор. Йилнинг апрель ойлари охирида сув кескин камаяди. Ҳаммамизга маълумки, баликлар тахминан 10 мартдан 31 майгача урчиб, уруғ қўйиш учун дарёнинг сув секин оқадиган жойларига чиқади. Сувнинг кескин камайиши натижасида четга қўйилган балиқ уруғлари сув бўлмаган жойда қолиб, ҳар хил қушларга ем бўлади ёки қуёш нурида ҳалок бўлади.

Бундан ташқари сувда сузувчи ҳар хил мўйнали ҳайвонларга ҳам сув сатҳидаги ўзгаришлар салбий таъсир қилади. Чунки улар ўз инларини сувга яқин жойларга қурадилар. Сув кўпайгач, уларнинг уялари сувга тўлиб қолади. Натижада ёш нутрия, ондатралар ҳалок бўлади. Бу ҳам жиддий иқтисодий зарарга олиб келади. Масалан, ўртача оғирликдаги сазан ёки бошқа турдаги балиқлар яшаш шароитига қараб 350-400 тагача увулдириқ ташлайди. Лекин булардан 35-40 тасигина нормал шароитда жонланади.

Азим дарёнинг бебошлиги оқибатида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига катта зарар етаётганини англатувчи бу мисолларни бежиз келтирмадик. Шундай шароитда ҳар биримиз табиий бойликларни асраб-авайлашнинг барча омилларидан оқилона фойдаланишимиз лозим. Шу йўл билан табиатимизга етказилаётган зарарни қисман бўлса ҳам камайтиришимиз мумкин. Уни келажак авлодларимизга бор гўзаллиги билан қолдирсак, бу бизнинг муҳим ва катта ютуғимиз бўлар эди.

А. ЭШОНҚУЛОВ,
Б. ХОЛМАТОВ,
Бекобод табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси давлат нозирлари.

Бекобод шаҳри ва туманида иҳота дарахтзорларини барпо этишда, яшил бойликларимизни кўпайтиришда, ҳудудда ўзига хос боғ-роғлар яратишда ўрмон хўжалиги жамоасининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Ўз тасарруфига Бекобод, Мўйнқум, Сретенко, Далварзин сингари ўрмон бўлимларини бирлаштирган мазкур хўжаликда айни кунларда ишлар қизғин.

Бекобод ўрмон хўжалиги:

ИҲОТА ДАРАХТЗОРЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Ўрмон хўжалиги жамоаси ўзига қарашли барча участка ва бўлимларда режага мувофиқ 10 гектар ерда ўрмонзор барпо этиши керак эди. Баҳорги кўчат экиш мавсумида 5 гектар майдонга ниҳоллар экилиб, парвариш меъёрида олиб борилди. Айни кунларда эса яна 5 гектар ерга турли хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиш ниҳоясига етказилмоқда. Бу ишлар уруғдан кўпайтириш ҳамда қаламчалар экиш орқали амалга оширилаётир. Бундан ташқари ўрмон хўжалиги жамоаси 8 гектар майдонда кўчатхона барпо этаяпти. Айни шу дамларда ер шароитига қараб қора арча, акация, дуб, каштан, тут, жийда сингари ранг-баранг дарахт кўчатлари ўтқазилаётир.

Ҳа, ўрмончилар меҳнати қишин-ёзин давом этади. Баҳорда экилган дарахтларнинг қуриб қолган қисми тўлдирилмоқда. Бекобод шамол минтақасида жойлашганлиги учун эгилувчан дарахтларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Чунончи, қайрағоч, шумтол, жийда дарахтлари кўпроқ ана шундай хусусиятларга эга. Улар қурғоқчиликка ҳам чидамли.

Кузги-қишки мавсумда амалга оширилаётган асосий ишлардан бири дарахтларга шакл бериш, ўрмон хўжалиги ҳудудидаги ариқ-зовурларни тозалашдан иборат. Икки гектар майдондаги боғларга шакл берилди, 12 минг туп мевали дарахтлар пайванд қилинди.

Бекобод минтақасининг ер шароити оғир бўлганлиги туфайли ҳар бир дарахт кўчатини ўтқазишда, албатта, бу ҳисобга олинади, ерга мос кўчатлар экилади. Масалан, тераклар кўпроқ сувга яқин жойга экилади. Қайрағоч ва жийда дарахтларини эса қурғоқчилик шароитида ўстирса ҳам бўлади. Бекобод ўрмончилари буни жуда яхши билишади.

Улар туман ва шаҳар аҳолиси, корхона, ташкилотлар, фермер уюшмалари билан ҳамкорликда иш олиб боришга доимо тайёр. Исталган пайтда дарахтзорлар барпо этиш мақсадида уларга мурожаат этиш мумкин.

Ўрмончилар ўтган йили «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳудудидаги 2 гектар майдонга икки минг туп манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиб беришди. Туман ва шаҳар ҳудудида катта ободончилик ишларини олиб борилмоқда. Боҳатқул Мустафоқулов, Холдорали Тўйчибоев, Мирзамурод Фозилов, Раимқул Норматов сингари ўрмонбегилар, Худойберди Худойназаров, Насиба Элчиева, Анорхол Омонова, Ҳазратқул Маматқулов, Мамлакат Умматова каби ишчилар, Толиб Эгамқулов, Баҳром Содиқов, Равшан Содиқов сингари илғор тракторчилар меҳнати туфайли кўчатлар вақтида экилиб, сифатли парвариш қилинмоқда.

Ўтган 9 ой мобайнида 7 миллион сўмга яқин соф даромад қилинди. Йил охиригача яна 3 миллион сўмдан кўпроқ даромадга эришиш кутиляпти.

Ўрмончилик соҳасининг ўзига хос қийинчилик ва муаммолари ҳам бор. Ҳудудда кўпроқ иҳота дарахтзорлари барпо этилиши зарур. Бекобод шамол зонасида бўлганлиги шуни талаб қилади. Аммо йилига 10-12 гектар иҳота дарахтзорлари барпо этиш имконияти бўлгани ҳолда корхона, ташкилот ва фермерлардан буюртма бўлмаганлиги сабабли ишлар тўхтаб қолгандек туюлади. 60 га яқин ишчи-хизматчилар меҳнат қиладиган жамоада 4 нафар олий маълумотли мутахассис бор, холос. Ўрмончилик соҳаси бўйича ёшларни кўпроқ ўқишга юбориш мақсадга мувофиқдир.

Жамоа ўз ташаббуслари билан тадбиркорлик соҳасида ҳам сезиларли ишларни амалга оширмоқда. Чунончи, ёрдамчи хўжалик ташкил қилиниб, 5 гектар ерга буғдой ва шунча ерга супурги экилди. Бундан олинган даромад ишчиларни моддий рағбатлантиришга сарфланмоқда. Хўжалик қошида халқ истеъмол буюмлари (хонтахта, сўри, ҳар хил қутилар, иш қуроллари) тайёрлайдиган цех ишга туширилди.

Хуллас, ўрмончиларнинг машаққатли меҳнати юртимизнинг гуллаб-яшнашига, боғ-роғларга буркашга қаратилганлиги билан таҳсинга сазовордир.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

Вилоят ички ишлар бошқармаси ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2006 – 2010 йилларга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик режасига асосан шу йилнинг декабрь ойи бошида ИИБ ходимлари ўртасида «Энг ибратли йигит» кўрик-танлови ўтказилди. Унда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидан 25 нафар турли лавозимдаги ходимлар иштирок этишди. Уларнинг касб маҳорати, жисмоний ва жанговар тайёргарлиги, маданий-маърифий билимлари, фавқулодда рўй берган вазиятларни бартараф этиш каби зарур вазифаларни бажаришлари, экологик мувозанатнинг барқарорлиги, биологик хилма-хилликни сақлаш, муҳофаза қилиш соҳасига оид 4 та йўналиш бўйича қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар борасидаги кўникмалари кўрикдан ўтказилди.

Ҳайъат аъзолари 235 балл тўплаган Ангрен шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси Эркин Азимбоевни ғолиб деб топдилар. Иккинчи ўрин 198 балл тўплаган Янгийўл шаҳар ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отрядининг смена бошлиғи Нозим Каримовга насиб этди. Пскент тумани вакили Иномжон Бекмуродов эса 191 балл тўплаб, учинчи ўринни эгаллади. Уларга вилоят ички ишлар бошқармасининг қимматбаҳо совғалари топширилди ва кўрик-танловнинг учинчи, яъни республика босқичига йўлланма берилди.

А. АБДУХОЛИҚОВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси махсус нозирлиги бошлиғи.



ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ

Чиноз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга қаратилган ишлар давом этмоқда. Хусусан, янги ичимлик суви тармоқлари барпо этилмоқда. Бу ишда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси ҳам иштирок этиб, ҳомийлик ёрдами кўрсатаяпти. Чунончи, бу йил туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга салкам 9 миллион сўм маблағ ажратилди.

Бундай хайрли ишлар «Паркент» фермерлар уюшмаси ҳудудида ҳам амалга оширилди. Қўмита маҳаллий жамғармаси ҳисобидан иккита сув насоси харид қилиниб, уюшма ихтиёрига берилди.

СОРБЕНТ ОҚАВАНИ ТОЗАЛАЙДИ

Кўпгина саноат корхоналарида ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланилади. Оқибатда оби-ҳаёт ифлосланади, таркибига турли чиқиндилар ва ҳатто заҳарли моддалар қўшилади. Бундай ҳолатда оқавани тозалаш лозим бўлади, акс ҳолда у сув ҳавзаларига қўшилиб, катта зарар келтириши мумкин.

Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида изчил изланишлар олиб борилмоқда. Оқаваларни тозалашнинг янги усуллари кашф қилинмоқда. Улардан бири уни нефть маҳсулотлари ва бошқа заҳарли углевод бирикмаларидан тозалашнинг сорбент усулидир. Уни қўллаш дуруст самара бермоқда. Чунончи, бу технология Бекободдаги «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг механик тозалаш иншоотларида жорий қилинди ва қутилганидек натижа бермоқда.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг навбатдаги мажлисида бу технологияни жорий қилишни кенгайтириш масаласи муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Унда оқавалари таркибида нефть маҳсулотлари бўлган объектларни аниқлаш ва сорбент технологиясини кенгроқ жорий қилиш тавсия этилди.

РЕЙД НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чирчиқ дарёсининг қирғоқ муҳофаза зонасини белгилаш тўғрисида»ги қарори, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2006 йил 13 ноябрдаги фармойишига асосан 15-30 ноябрь кунлари Чирчиқ, Оҳангарон дарёлари ва Салар канали муҳофаза ҳудудларида амалдаги қонун талабларига зид фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахсларни аниқлашга қаратилган махсус рейд ўтказилди.

Чиноз, Қуйичирчиқ, Янгийўл, Қибрай, Бўстонлиқ, Юқоричирчиқ ва Оҳангарон туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳрида дарёлар ёқасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда қонунбузарлик ҳолатлари аниқланмади. Корхона ва ташкилотларда ҳамда тегишли ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида дарёдан рухсатсиз қум-шағал қазиб олиш ва чиқиндиларни дарё ёқасига чиқариб ташлаш мумкин эмаслиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди.

А. АЛИХОНОВ,
давлат нозири.

ДИЛДАГИ ГАПНИНГ ЛЎНДАСИ

1970 йиллар эди. Ўртачирчиқ туманидаги ширкат хўжалиги клубида шеърият байрами бўлди. Ташриф буюрган ижодкорлар орасида севимли шоиримиз Эркин Воҳидов ҳам бор эди. Унинг ҳар бир чиқиши учрашув иштирокчилари томонидан давомли қарсаклар билан кутиб олинарди. Эндигина мактабни битирган биз – ёшлар эса, шоирнинг катта шов-шувга сабаб бўлган «Ўзбегим» шеърини давраларда ёддан айтиб юрган пайтимиз эди...

Орадан йиллар ўтди. Бугун Эркин Воҳидов 70 ёшга тўлибди. Лекин, ўртачирчиқлик шеърият ихлосмандлари ўша учрашувни ҳамон эслаб юрадилар. Албатта, у кишининг ижоди ҳақида кўп гапирилди, фаолияти ҳақида хўп ёзилди. Энг муҳими, Эркин Воҳидов эл ардоғидаги Халқ шоирига айланди, унинг Ватанимиз равнақи, адабиётимиз ривожи йўлидаги хизматлари энг юксак мукофот – «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига муносиб кўрилди.

Вилоят ижодкорлари қаторида шоиримизни қутлуғ ёши билан муборакбод этиб, унинг ўз шеърига «ўхшатма»мни туҳфа этмоқчиман.

МАТМУСАНИНГ АҚЛИ ЗЎР

Матмусанинг хотини
Эрига шундай деди:
— Шу десангиз, хўжайин,
Элда бир гап юрибди.
Қулоқ солиб туринг, ай,
Чайнайвермай турпди.
Ощдан олиб қўлини
Матмуса бир ўқрайди.
Шу гап зарилмиди деб
Хотинига бақрайди.
— Эркин шоир, дўстингиз,
Етмиш ёшга кирганмиш.
Ким ҳам сезар эди деб
Соч-соқолсиз юрганмиш.
Эл билмаса гапирмас,
Кўзойнак ҳам тақмасмиш.
Ёмғирпўши унингчун
Соябон, ҳам ҳассамиш.
Жаҳли чиқиб Матмуса
Суриб қўйди лаганни.
Шу ҳолати эслатар
Пойлаб турган мерганни.
Бир кўзин қисиб, аста
Матмуса гап бошлади:
— Йигит киши ўттиз бешдан
Уч мартаба яшайди.
Эркин дўстим унинг энди
Иккисидан ўтибди.
Етмишнинг қоқ ўртасида
Йигитликни тутибди...
Хотин ҳайрон, тили лол
Матмусага қарайди.
Эри эса жилмайиб,
Соқолини тарайди.
Худди билиб қўйишган
Матмусанинг отини
Ақлли шу эридан
Жуда хурсанд хотини.

Ҳамид НОРҚУЛ.

Алишер Навоий номидаги киносаройида оқинларнинг халқаро айтишуви бўлиб ўтди. "Ўзбекистон – умумий уйимиз" дўстлик фестивали доирасида ўтказилган мазкур тадбирда юртимиз, Қозоғистон, Қирғизистон бахши ва оқинлари, санъаткорлари иштирок этдилар.

ОҚИНЛАР АЙТИШУВИ

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда яшаётган барча миллат вакиллари қалбида ягона Ватан туйғусини қарор топтириш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ўн беш йил муқаддам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Республика байналмилал маданият марказининг ташкил этилиши бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Ушбу ташкилот бугунги кунда юртимиздаги кўплаб маданият марказларининг фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қиляпти. Ёшларни ватанпарварлик, инсонпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, юртимиз халқларининг ўзига хос азалий урф-одатлари ва маданиятини ривожлантиришга кўмаклашишда ушбу марказларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Халқаро оқинлар беллашувида бош соврин қозоғистонлик ижрочи Оқморал Леубоевага насиб этди. Биринчи ўринга ҳамюртимиз Қулмаҳан Дуйсенов, иккинчи ўринга қозоғистонлик оқинлар Карима Ўролова ҳамда Бекарис Шуйбеков, учинчи ўринга қирғизистонлик Майра Байпақбоева лойиқ топилди.

ЎзА.

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ:

РАҚИБЛАР АНИҚ!

Осиё футбол конфедерациясининг (ОФК) Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган бош қароргоҳида қитъадаги футбол клубларининг энг нуфузли мусобақаси – Чемпионлар лигасида иштирок этадиган жамоалар ўртасида келаси мавсум учун қуръа ташлаш маросими бўлди.

Унда 14 мамлакат шарафини ҳимоя қиладиган 28 та жамоа етти гуруҳга ажратилди. Қуръа қоидасига кўра, бир давлатдан қатнашадиган икки жамоа бошқа-бошқа гуруҳлардан жой олди.

Мазкур нуфузли мусобақада кетма-кет бешинчи маротаба иштирок этадиган Ўзбекистон чемпиони ва мамлакат кубоги соҳиби – Тошкентнинг "Пахтакор" клуби анча кучли жамоалар билан бир гуруҳдан жой олди. Беллашувларни "В" гуруҳида бошлайдиган тошкентликлар навбатдаги босқичга йўлланма олиш учун "Кувайт спорт клуби" (Кувайт), "Ал-Ҳилол" (Саудия Арабистони) ҳамда Эрон чемпиони "Истиқлол" жамоаси қаршилигини синдириши лозим.

Осиё чемпионлар лигасидаги иккинчи жамоамиз – "Нефтчи" (Фарғона) эса гуруҳ босқичидаги учрашувларнинг барчасини араб футболи вакилларига қарши ўтказади. Юрий Саркисян шогирдлари жорий йилги мусобақа финалчиси – "Ал-Карама" (Сурия), "Ан-Нажаф" (Ироқ) ҳамда "Ас-Садд" (Қатар) жамоалари билан бирга "С" гуруҳидан жой олган.

Қуръа натижаларига кўра, "А" гуруҳида фақат араб жамоалари – "Ал-Арабий" (Кувайт), "Ал-Вахда" (Бирлашган Араб Амирликлари), "Ар-Райян" (Қатар) ва "Аз-Завра" (Ироқ) тўп сурадиган бўлди.

"D" гуруҳига тушган Эроннинг "Сепахон" жамоаси "Ал-Айн" (Бирлашган Араб Амирликлари), "Ал-Иттиҳод" (Сурия) ҳамда "Аш-Шабаб" (Саудия Арабистони) билан беллашади.

Осиё чемпионлар лигасида илк маротаба иштирок этадиган Австралиянинг "Сидней" жамоаси "Урава Редс" (Япония), "Шанхай Шэньхуа""/Хитой) ва "Персик Кедири" (Индонезия) билан "Е" гуруҳида рақобатлашади.

Қуръа "Бангкок Университети" (Таиланд), "Кавасаки Фронтале" (Япония), "Арема Маланг" (Индонезия), "Чуннам Дрэгонс" (Жанубий Корея) жамоаларини "F" гуруҳига жойлаган бўлса, "Аделаида Юнайтед" (Австралия), "Гач Донг Там Лонг Ан" (Вьетнам), "Сеннам Ильва Чунма" (Жанубий Корея) ва "Шаньдун Лунен" (Хитой) футболчилари "G" гуруҳидан чиқиш учун ўзаро рақобатлашади.

Осиё чемпионлар лигаси қоидасига биноан, гуруҳ беллашувлари келаси йилнинг 7 мартидан 23 майигача ўтказилади ва ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаган еттита жамоа чорак финалга йўлланма олади ҳамда уларга мусобақанинг амалдаги ғолиби – Жанубий Кореянинг "Чонбук Моторс" клуби қўшилади.

Чорак финал учрашувлари 19 ва 26 сентябрь, ярим финаллар 3 ва 24 октябрь, финал баҳслари 7 ва 14 ноябрь кунлари ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг ташкил топганига 15 йил тўлиши муносабати билан бир қатор фахрийлар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мураббийлари Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг фахрий ёрлиғи билан, шунингдек, 1-15 декабрь кунлари Дохада ўтказилган XV Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этган спортчилар ва уларнинг мураббийларини тақдирлаш маросими бўлди.

СОВРИНДОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Юртимиз спортининг эртанги кунига умид ва ишонч уйғотаётган спортчиларни рағбатлантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилган бу тадбирда терма жамоамиз муваффақиятига катта ҳисса қўшган мураббийлар, касаба уюшмалари федерацияси мутасаддилари ҳамда умидли спортчилар иштирок этишди.

– Осиё ўйинларида иштирок этиб, олтин медаль билан тақдирланаман, деб ўйламаган эдим, – дейди эшкак эшиш бўйича вакилимиз Севара Ғаниева. – Ўз ғалабам билан терма жамоамиз муваффақиятига ҳисса қўшганимдан хурсандман.

Бизни қўллаб-қувватлаб, барча шароитларни яратиб берганлари учун авваламбор Юртбошимизга ва ҳукуматимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ғолиб ва совриндорлар ҳамда жонкуяр мураббийлар фахрий ёрлиқ, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Отабек ЭЛТОЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *тадбирдан лавҳалар.*
Даврон АҲМАД олган суратлар.

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 ноябрдаги 514-сонли қарори асосида тугатилаётган Чиноз туманидаги "Гулзоробод", "Чиноз", "Дўстлик", "Эшонобод", А. Навоий, С. Раҳимов номли ширкат хўжаликларида кимошди савдосига қўйиладиган асосий воситалар рўйхати

«Гулзоробод» ширкат хўжалиги бўйича

Т/р	Кимошди савдосида сотиладиган объектлар	Баланс суммаси	Бошланғич баҳоси
1.	1-бригада дала шийпони	1688899	5500000
2.	2-бригада дала шийпони	1444905	2500000
3.	3-бригада дала шийпони	2744862	3000000
4.	5-бригада дала шийпони	958964	3500000
5.	Катта тарози 1 дона	28034	100000

Мурожаат учун телефон: 8.59-31-160.

А. Навоий ширкат хўжалиги бўйича

Т/р	Асосий воситалар номи	Миқдори (дона)	Бошланғич баҳоси
1.	Шийпон (Раисбоев)	1	3800000
2.	Почтахона	1	2000000
3.	Телефонизация	1	500000
4.	Дорихона (гараж)	1	900000
5.	Қурилиш склади (гараж)	1	200000
6.	Қурилиш склади (гараж)	1	1500000
7.	Автотарози	3	2100000
8.	Тарози Т-1000 (10000 тонна)	1	1200000
9.	Тарози (500 кг)	1	150000
10.	Сорт участка	1	3500000
11.	Дорихона № 4	1	400000
12.	Картошка омбори	1	2000000
13.	Гараж атрофи пахса	1	91084
14.	Идора ошхонаси	1	950000
15.	Клуб	1	2200000
16.	Шийпон № 3	1	1800000
17.	Дорихона № 3	1	80000
18.	Эски мактаб (омбор)	1	5000000
19.	Склад под. навес	1	350000
20.	Сув бочкаси	1	150000
21.	Янги молхона	1	2800000

Мурожаат учун телефон: 8.59-38-133.

«Чиноз» ширкат хўжалиги бўйича

Т/р	Объектнинг номи	Бошланғич нархи (минг сўм)
1.	Қурилиши тугалланмаган марказий таъмирлаш устахонаси	26000,0
2.	Қурилиши тугалланмаган маъмурий идора қисми	20000,0
3.	ГАЗ-5314 русумли самосвал	1000,0
4.	САЗ-3502 русумли самосвал	1000,0
5.	КАВЗ 685М русумли автобус	1500,0
6.	ГАЗ-2410 русумли енгил автомобиль	500,0

Мурожаат учун телефон: 8.59-36-559.

С. Раҳимов номли ширкат хўжалиги бўйича

Т/р	Асосий воситалар номи	Бошланғич баҳоси
1.	"Волга" русумли енгил автомобиль	4 000 000
2.	"Нива" русумли автомобиль	1500000
3.	Автобус	3500000
4.	Омборхона	15000000
5.	Марказий омбор	3500000
6.	Хирмон	1200000
7.	Насос 6 К12 с дв. 22 квт.	600000
8.	Боғ	3000000

Мурожаат учун телефон: 8.59-31-305

«Дўстлик» ширкат хўжалиги бўйича

Т/р	Объект номи	Бошланғич баҳоси (минг сўм)
1.	Чорва комплекси (чорва моллари, бино иншоотлари, озуқа пичанлари, ўрим техникалари, техникалар, асбоб-анжом ва бошқалар билан)	400000
2.	Компьютер	1000
3.	"УАЗ-469" 11 АВ 597, носоз.	1000
4.	Трактор К-701, носоз	2000
5.	Сепаратор	760
6.	Макарон и/ч. аппарат, носоз	900
7.	Бино (шиф.), эски	2500
8.	Бино (Кл.)	15000
9.	Бино (Ап.)	7000
10.	Дон омбори	2000
11.	Озиқ-овқат омбори	2000
12.	Ғалла омбори қоровул хон. б-н.	5000
13.	Тарози ускунаси	1000
14.	Материал омбори № 1	3000
15.	Материал омбори № 2 қоровул хон. б-н	4400
16.	Автобус КАВЗ, носоз, 11 AR 065	1700
17.	АМ "Зил-130", 11 AR-066, носоз	2300
18.	АМ "Зил-130", 11 AR-063, носоз	3000
19.	Панел плита ПСЛ-20	480
20.	Дала шийпони № 1	1800
21.	Дала шийпони № 2	1700
22.	Дала шийпони № 4	4500
23.	Дала шийпони № 5	4000

Мурожаат учун телефон: 8.59-32-646.

«Эшонобод» ширкат хўжалиги бўйича

Т/р	Асосий воситалар номи	Қурилган ва ишлаб чиқарилган йили	Баланс қиймати	Эскириш қиймати	Бошланғич баҳоси
1.	Дала шийпони 1-ширкат	1980	1194796	1094671	100124
2.	Дала шийпони 9-ширкат	1979	1276547	1184541	92006
3.	Дала шийпони 9-ширкат	1989	8138931	4777637	3361294
4.	Ш/х идора биноси	1966	9045184	8835432	209752
5.	Ш/х идора беседка	1985	28662	26938	1724
6.	Ҳаммом биноси	1985	9327579	6719994	2607585
7.	Тураржойлар 15 та	1985	23109210	18722630	4386580
8.	Эски боғча биноси Янгиобод	1979	11519263	11486954	32304
9.	Контора-2 Олмазор	1960	1160938		1160939
10.	Гараж Олмазор	1960	558149		558149
11.	Қоровулхона	1960	159365		159365
12.	Омборхона	1999	858604		858604
13.	Лагерь	1986	866676		866676
14.	Омборхона биноси	1979	1785879	1467236	318643
15.	Ограждение забор	1960	228442		228442
16.	Навес открытый	1960	424238		424238
17.	Навес закрытый	1960	345076		345076
18.	Загародка контора	1985	58401	29205	29196
19.	Компьютер в сбор.	2001	1165581	756082	409449
20.	Шкаф холодильник	1985	10566	10566	10566
21.	Холодильник камера	1984	23210	23210	23210
22.	Шкаф железный	1984	27510	27510	27510
23.	Тримо	1980	2610	2610	2610
24.	Автомашина "Матиз"	2004	7599493	1086721	6512766
25.	Автомашина Г-53		371579	371579	371579
26.	Автомашина 3110		13312299	7614633	5697666
27.	Автомашина 31029		6713320	6713320	6713320
28.	Автобус КАВЗ		481453	481453	481453
29.	Қурилиши тугалланмаган янги идора биноси	2004	29057840		29057840
30.	Қурилиши тугалланмаган янги клуб	2004	18000728		18000728
31.	Қурилиши тугалланмаган ЦРМ биноси		1417480		1417480
32.	Қурилиши тугалланмаган идора биноси	2004	933372		933372

Мурожаат учун телефон: 8.59-33-826.

Об-ҳаво Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 27 декабрь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ ўртасида, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

Пскент туманидаги 14-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Саипова Гулчеҳра Раҳматқуловна номига берилган АУ № 285494 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент 2-юридик коллежи томонидан 2004 йилда Шарофиддинов Тимур Шарофиддинович номига берилган 257-рақамли ўқувчилик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 21 ноябрда «Ўзбек-Америка Академияси» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти номига берилган 562 рақамли нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази жамоаси марказ директори Зафар Умарович Сидиқовга отаси **Умар ҳожи**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1440. Адади 3164. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.
Ⓣ белгили материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.20. 2 3 4 5 6